



Жалқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2003 йил 13 август, №164 (3276) Чоршанба

ТАТАРИСТОН ҲУКУМАТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Эмрор ЮНУСОВ). Россия Федерациясининг Татаристон Республикаси Бош вазири Рустам Минниханов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси 12 август кунини Ўзбекистонга келди. Татаристоннинг ҳукумат аъзолари ва йирик саноат корхоналари раҳбарларидан ташкил топган маъруза делегацияси «Ўзавтойул» концернида музокара ўтказди. Ўзбекистоннинг «Ўзавтойул» концерни раиси Рустам Юнусов билан суҳбат чоғида автомобиль йўллари қуриш ва соҳа учун техника етказиб беришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Афғонистондаги автомобиль йўллари ҳамкорликда барпо қилиш, кўприклар бунёд этиш борасида фикр алмашилди. Татаристоннинг «КамАЗ» акционерлик жамияти ва «Нижнекамскшина» каби саноат корхоналари раҳбарлари йўлсозликда ишлатиладиган техника ва эҳтиёт қисмларни етказиб бериш, техникавий хизмат кўрсатишда яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёр эканини билдирди. Учрашувда ўзаро ҳамкорлик борасидаги музокараларни мутасадди ва-зирлик ва ташкилотлар даражасида давом эттиришга келишиб олинди. Шу кунини Татаристон делегацияси Тошкент шаҳри ҳокими Рустам Шоббураҳмонов билан ҳам музокара ўтказди. Суҳбат чоғида Тошкент ва Қозон шаҳарлари ўртасида амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

Меҳмонларнинг «Ўзметсабзавотузсаноат-холдинг» компанияси раиси Азимжон Аюпов билан суҳбатда Ўзбекистон билан Татаристон Республикаси ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида кенг қамровли ҳамкорликни йўлга қўйиш икки томон учун ҳам маънафатли бўлиши таъкидланди.

ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИГА — КЕНГ ЙЎЛ

ЎЗБЕКИСТОН Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорги Кенгесида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислохотлар натижасида чўқурлаштиришга, ҳуёсуан, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришга бағишланган йилгилиш бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Журабеков бошқариб.

Қорақалпоғистонда ҳам юқори кўрсаткичларни қўлга киритаётган фермер хўжалик-лари талайгина. Беруний туманидаги Улуғбек номидаги, Эдикқалъа туманидаги «Қирқиз» ва «Эдикқалъа», Кегейли туманидаги «Дарвоза-қум» ширкат хўжаликлари тўлалигича фермер хўжалик-ларига айлантирилган, рентабел-лик охири, маҳсулот таннархи-нинг камайишига, ёнлиги-мой-лаш материалларидан, минерал ўнгит ресурсларидан тежамкор-лик билан фойдаланишга эри-шилди.

Қорақалпоғистонда 122 ширкат хўжалигининг етти-таси йилни ижобий натижалар билан якунлади. Зарар билан ишлаётган, паст рентабелли қирқ уч ширкат хўжалиги туга-тилиб, фермер хўжаликларига айлантирилди. Аммо фермерликни жорий қилишда эришган ҳақиқий эга-сини топиш жуда муҳим. Бу борада тендер танловлари си-фатида катта эътибор қаратиш лозим, дейилди мулоқотда. Масалан, хўжалиқнинг ўтказ-илган танловлар оқибатида Қорақалпоғистонда 1 минг 170 гектар экин майдони эгасиз қолиб кетган. Ошқора мулоқот баҳс-муно-зараларга бой бўлди. Фермер-лар ўзларини қизиқтирган бар-ча саволларга жавоб олди. Мулоқотда Қорақалпоғис-тон Республикаси Жуқорги Кенгеси Раиси М.Ернйезов иштирок этди.

ХОРАЗМДА фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Зарар қўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ширкат хўжаликларини негизда фермер хўжаликларига ташкил этиш бўйича вилоятда катта тажриба тўпланган. Кена вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йилгилиш ана шулар таъкидлаб ўтилди. Президентининг Давлат масла-ҳатчиси И.Журабеков олиб борган йилгилиш мулоқот тар-зида ўтди. Унда туман ҳоким-лари, уларнинг ўринбосарлари, фермер хўжаликларини раҳбар-лари, шунингдек, соҳа мута-хассислари қатнашилди. 2003 йилнинг 1 январь ҳола-тига қўриб ишловда 4842 та фер-мер хўжалиги фаолият кўрсат-ган бўлса, шу кўнга келиб улар сонини 6170 тагача ташкил этди.

Фермер хўжаликларини ҳисса-сига тўғри келадиган ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ортиб бормоқда. Бу йил улар томон-идан давлатга қарийб 24000 тонна сара дон сотилди. Шар-нома топширишдан ортиқча етиштирилган 22000 тоннадан зиёд бўлган фермерлар ихти-рида қолдирилди. Президентининг 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чу-қурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»-ги фармонида асосан вилоятда фермер хўжаликларини ривож-лантиришнинг 2003-2005 йил-ларга мўлжалланган концепси-яси ишлаб чиқилган. Унга асо-сан сурункали зарар қўриб иш-лаётган 26 та ширкат хўжали-ги негизинда таълим асосида фермер хўжаликларини ташкил этилади. Уларга хизмат кўрсат-

тилган 26 та муқобил МТП, 26 та ёқилги қўйиш шохобча-си, 26 та минерал ўнгит ва йе-сим-ликларни ҳимоя қилиш бўли-ми, 24 та сувдан фойдаланма-члар уюмчаси, 26 та мининг банк ташкил этиш режалаш-тирилган. Мулоқотда сўзга чиққан фермерлар ўзларини эриш-ган ютуқлар, ишлаб ўрнатган камчилик ва муаммолар ҳақида тўхталиб, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ҳам билдирдилар. Ингилни сўнгида вилоятда йўза парварлигининг бориши тўғрисидаги масала ҳам кўрилди. Ингилниш-мулоқотда Бош ва-зир ўринбосари Р. Азимов ва иштирок этди. И. Бобоқонов иштирок этди.

Пойтахтимизда СУВНИ ТЕЖАНГ, БОЛАЛАР

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Назоқат УСМОНОВА). Сув таъминоти бўйича ижтимоий фикрни шакллантириш борасидаги янги кампанияни ниҳонсига етди. Ушбу талбир ёзиғи соғломлаштириш оромоҳларида дам олаётган ўзбекистонлик мактаб ўқувчилари ўртасида АҚШ халқ-қаро тараққиёт агентлиги — USAID томонидан Марка-зи Осиёда табиий ресурсларни бошқаришни тақомил-лаштириш дастури (NRMP) орқали Ўзбекистон Халқ таъ-лими вазирилик қўшидаги «Биоокосан» маркази ҳамда «Дилхуш» ва «Изланиш» маҳаллий экологик нодавлат иш-тотқорлар ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилди.

Мамлакатимизнинг гўзал табииати таҳсинга лойиқ. Аммо табиий бойликлар, сув захираларидан хўжасизларча фой-даланиш иқлим шароити ҳамда атроф-муҳит мусаффоли-гига салбий таъсир кўрсатмоқда. Маъзур кампания ўрта мактаб ўқувчилари ва ўқитувчиларини сувга тежамкорлик билан муносабатда бўлиш ҳамда сув захираларини оқило-на бошқариш концепцияси билан таништириш мақсади-да ишлаб чиқилган. У ўқув материалларини тарқатиш ва сув таъминоти бўйича ижтимоий теле ва радиороликлар-ни намойиш қилишни ўз ичига олади. NRMP дастури томонидан сув таъминоти масалалари бўйича иккита ўқув қўлланма ишлаб чиқилган бўлиб, унда сувнинг экологик ва иқтисодий аҳамияти тўғрисида ома-мабон ва қизиқарли маълумотлар жамланган. Ўқув қўллан-малари АҚШ фанлар академиясини материаллари асосида тайёрланган. Халқ таълими вазирилик қўлланмаларнинг ўқитувчиларга тарқатилишини ҳамда уларнинг синфдан ташқари машғулотларда қўлланилишини маълумлади. Шу-нингдек, NRMP ўзининг минтақадаги фаолиятни тўғриси-да бошқарув молаштирилган маълумотлар тўпланган ри-солаларни ҳам ишлаб чиқди. NRMP дастури томонидан сув таъминоти масалалари бўйича радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар учун ишлаб чиқилган ижтимоий реклама роликлари кампаниянинг асосий талбири бўлди. Болалар уларни томоша қилиб ва эшитиб, сўнг сув таъминоти гоиларининг тарқатилиши хусусидаги ўз фикрларини билдирдилар. Муҳокамалар-дан сўнг ўйинлар, викторина ва танловлар ўтказилди ҳамда гоилларга мукофот ва фахрий ёриқлар топширилди.

Жойлардан хабарлар Таълимда услуб тақомиллашса


Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси ташкил этган таълибушукур, илланушчан ўқитув-чилар илмий-амалий семинари «Халқ таълими таълимда ўзгариш методик хизматни тақомил-лаштириш» дастурининг баъжарилиши, бу бора-да муаммоларни ҳал этиш масалаларига ба-ғишланди. Анқуманга республика оиди ўқув юртлари оидларининг, қўллаб қўлланган муаллимларнинг таклиф этилиши барча фанлар ва йўна-лишлар бўйича уюштирилган шўбча машғул-отларнинг баҳс-мунозаралари ўтишини таъмин-лади. Семинар-тренинг пайтида ўқитувчилар то-монидан айтилган айрим фикрларни ўқитиш усу-ли ҳамда дарсликларнинг ёзилиши хусусидаги фикр-мулоҳазалари ва таклифлари алоҳида эъти-борга лойиқлиги таъкидланди.

«Кўданаси майдон» Чироқчи туманидаги «Кўда-ла» ширкат хўжалиги аъзолари-нинг маъзур худудини электр энергияси билан таъминлашда-ги муаммолар хусусида ёзган шикоят хати газетамизнинг шу йил 6 июнь сонидида «Кўданаси майдон» сарҳадаси остида чоп этилган эди. Қашқадарь вило-яти ҳокимининг ўринбосари О.Худ-дийазоров илмози билан тах-ририятимизга келган расмий

жаъобда шундай дейилади: «Ушбу мақола Шаҳрисабз электр тармоқлари шўбча кор-хонаси мутахассислари томо-нидан жойида ўрнатилди. Ян-гинобад қишлоғидаги янгидан қурилган хонадонларни электр-лаштириш учун жами 15 мил-лион сўм маблағ талаб этила-ди. Бу маҳаллий бюджет ёки хўжалик ҳисобидан ажратили-

ши лозим. Чироқчи туман ҳокимлиги Янгинобад қишлоғи-ни электрлаштиришнинг қўшимча чораларини кўрмоқда. Хат муаллимлари билан уч-рашилганда Қўқала электр тар-моқлари корхонаси бошлиғи Р.Холмуродовнинг қишлоқ ҳақида беписанд муносабатда бўлгани-ни тўғрисидаги ва бошқа фактлар таъкидланди».

2003 йил — обод маҳалла йили



Файз уфурар остонасидан

Маҳалланинг ободлиги, кўркамлиги, аввало, уй остонасидан бошланади. Уй ва ҳов-лиси саранжом-саршита бўлган одам кўчасини ҳам озода сақлайди. Хонадон обод бўлса, маҳалла, юрт обод бўлади. Марғилоннинг Бурхониддин Марғилоний номи билан аталувчи кўчасига қадам ранжидида қўйсангиз динни алаловчи, сизга ағло қайдиёт, хузурбахш кунларни вақда қилувчи ифродан дилингиз йирайди. Озода, файзли кўчалар, кўча четига эскирган адл тераклар, анвойи сулалар... Буларнинг барчаси бу маҳаллада йилчиёчи кишиларнинг остонасидан файз уфуршидан далолатдир. Дадажон ота Қурбо-новнинг болалиги ҳам, ёшлиги ҳам ана шу маҳаллада кечган. Буён у фарзандларию набиралари қуришида кексалик гаптини сурмоқда. Маҳаллада энг хурматли саналган отахон ҳар тоғи ёнига набираларини олиб ҳовлидаги, кўчадаги сулаларни парваршилла-ни қанда қилмайдими. Маҳаллага келган ҳар бир меҳмонни Дадажон отанинг анвойи сулу-чекчалари қарши олади.

СУРАТДА: маҳалла фидойиси Дадажон ота Қурбонов набиралари билан. Тохиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.


Олий Мажлис сессияси олдидан

ОММА ЭЪТИБОРИ

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш ҳажми охири бормоқда. У республикамиз-да 2002 йилда 2001 йилга нисба-тан тўрт баробар кўпайиб, 170 миллиард сўмга етди. Иқтисодийта ички сар-мождан фойдаланиш имкони анча ортди. Лекин бундан бўш пул маблағлари банклар-га тўла жалб қилинапти, деб бўлмади. Зеро, омонатчилар ҳақ-хуқуқлари қонун билан ҳимояланган бўлиши, улар омонатининг сақланишига банклар кафолат бериши ке-рак. Аёнки, Олий Мажлиснинг XI сессиясида «Банк сирини тўғрисида»-ги қонун лойиҳа-си қабул қилинган эди. У матбуотда эълон қилингандан сўнг, қисқа вақт мобайнида кўпчилиكنинг эътиборини тортиди. Лойиҳа бўйича тур-ли фикр-мулоҳазалар билди-рилди. Буни Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасига келиб тўшган 250 дан ортиқ таклиф ҳам исботлаб турибди. — Бу таклифларнинг аксарияти, — дейди қўмита ра-иси ўринбосари Раҳмонкул Каримов, — қонун лойиҳа-сининг банк сирини, банк си-рини ташкил этишни маълум-отларни прокуратура, тер-гов ва суриштирув органла-рига, суд ва суд ижрочили-рига, давлат солиқ хизмати органларига тақдим этишга оид моддаларни бўйича бил-дирилган. Ишчи гуруҳимиз мажлисларида ҳар бир так-лиф устида мулоҳаза юритил-ди. Қонун лойиҳасининг 5, 7, 9, 10, 12, ва 16-моддала-рига таклифлар асосида те-

Ислохот мевалари

Нарпайда яна бир кўшма корхона



Яқинда Нарпай тумани-да яна бир қўшма корхона ташкил этилди. Бобур но-ми ширкат хўжалигида «Икан Самарқанд» масъу-лияти чеklangан жамият шаклида Ўзбекистон — Қо-зғистон қўшма корхонаси бунёд этилди.Унда пахта хомашёси қайта ишланиб, калава ип тайёрланади. Корхона жорий йилнинг сентябрь ойидан ўз фаоли-ятини бошлайдди. Қўшма корхонанинг ни-зом жамғармаси 231,5 мил-лион сўмга тенг. Ҳозир Қо-зғистон Республикасидан олиб келиб ўрнатилган дастоҳларини созлаш иш-лари олиб борилаётганда. Корхонанинг ишлаб чиқ-ариш қуввати йилга 325 тонна калава ип тайёрла-шга тенг. Қўшма корхона ўз фаолиятини бошлагач, ту-мандаги 60 кишиг иш би-лан таъминланади. Корхона бизнес режаси-га қўра, қисқа мулдатда тайёр маҳсулот ишлаб чи-қариш кўзда тутилган. Келгуси йилнинг олти ойи-да газлама, йил якунида эса тайёр маҳсулот ишлаб чи-қаришни узоқлаштириш мўлжалланмоқда. Бунинг учун барча шарт-шароит, дастоҳлар мавжуд. Шунда табиийки, иш ўринлари сонини ҳам кўпайди. — Келажакда етиштири-лаётган барча қишлоқ хўжа-



МУҲИМ ПАЛЛА



ЎҚУВ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Кунинча кеча Ўзбекистон касабаси уюшмалари ўқув марказида Ўзбекистон кичик, ўрта бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касабаси уюшмаси марказий кенгаши тизимдаги бошланғич касабаси уюшмалари ташкилотлари раисларининг бир ҳафталик ўқув машғулотлари ниҳоясига етди.

36 соатга мўлжалланган дастур бўйича ўтказилган машғулотларда Касабаси уюшмалари Федерацияси масъул ходимлари бозор иқтисодиёти шариоитида бошланғич касабаси уюшмалари иш фаолиятини ташкил этиш, жамоа аъзоларининг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш ишларини тўғри ташкил этиш, касабаси уюшмаси билан иш бериш учун уларнинг жамоа шартномаларини тузиш каби касабаси уюшмалари фаолиятига оид маълумотлар билан қатнашиб, кўплаб саволларга жавоб бердилар.

Республикамизнинг барча вилоятларидан келган тингловчилар Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида бўлиб, «Чирчиқсавдо» ҳиссадорлик жамияти бошланғич касабаси уюшмаси иш фаолияти билан танишиб, амалий машғулотлар ўтказдилар.

Ўқув чоғида тингловчилар Ўзбекистон кичик, ўрта бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касабаси уюшмаси марказий кенгашида давра суҳбатига иштирок этидилар. Кенгаш раиси Нурулла Гёёсов бошланғич касабаси уюшмалари ташкилотлари олдига турган долзарб вазифалар ҳақида маълумот берди, талғаб вазибалар ҳақида тўхтади.

Ўқув якунида бўйича тингловчиларга гувоҳнома берилди.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистонда ҳосил қилинган палла бошланди. Буни яхши билган Дангара туманидаги «Дангара» ширкат хўжалиги пахтакорлари ниҳоллар парваришини кўчатириб, уларни мейвирода сугормоқдалар. Бу юмушларга бундан шунча кучи, техника сафарбар этилган. Айниқса, ниҳолларни зараркундалардан сақлашда биометод усули кўп келмоқда. Унинг яна бир афзаллиги шундаки, ортиқча сарфланган маблағни тежаш имконини беради. Ҳозир хўжалик далаларида 468 гектар майдонда ўза парвариши қилинмоқда.

СУРАТЛАРДА: бош пудратчи Мансур Абдуллаев; ўзгаларга ишлов бериш қизғин.

Шухрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар.

I
Бугунги кунда тўрт киши тулганан жойда суҳбат мавзуси фарқ урмайди. Ўзбекистонда кунинча кеча бўлиб кетган бир ривоят айтман, деб сўз бошлади:
— Икки қўшни бўлган экан. Бир топган-тутганига фақат олтин, қумуш жамғарибди. Иккинчиси эса арпа ва бугдой.
— Бу нима қилганингиз, қўшни? Арпа, бугдой шунчалик топиламан нарсами? Мана, мендан ибрат олсангиз бўлмайми? — деб нукул кулар экан биринчиси.

II
Онам супада тўкилиб қолган бугдой донларини биттаб териб оларкан, деди: «Оллоҳга шукрки, бугунгидай тўкин-сочин кунларга етказди! Биз кўрган кунлар ҳеч қачон қайтарилмасин. Бир бурдагина қора зорога зор бўлган дамлар асло эсимдан чиқмайди. Ейишга нон йўқ кунларни кўз олдимга келтирсам ҳўрлим келаверади. Очликдан кунжара еб, зўрга жон сақланганимиз кўз ўнгимда турбди. Кўпроқ еб қўйиб, қорни шишиб улганларни ҳам эшитман. Гоҳида бир килоча уни етмиш кило гурил дамнаганидан қозонга солиб, тўлатиб сув қўйишарди. Шунини атала қилиб, бутун бошли қишлоқ аҳолиси тарқатишарди. Бечора болалар атала пишини пойлаб, қозон бошида мултираб ўтиришарди. Бу ўлиб қолмасликдан бериоқ, тирикликдан нариоқ бир чора эди. Шукр қилинган, бола-

ларим, бугуннинг қадрига етишлар, Мустақиллик дегани минг йилларга тенг экан».

Сунгра онам бир ривоят айтман, деб сўз бошлади:
— Икки қўшни бўлган экан. Бир топган-тутганига фақат олтин, қумуш жамғарибди. Иккинчиси эса арпа ва бугдой.
— Бу нима қилганингиз, қўшни? Арпа, бугдой шунчалик топиламан нарсами? Мана, мендан ибрат олсангиз бўлмайми? — деб нукул кулар экан биринчиси.

Кеча ва бугун
топиб бера олмай чигит кунжараси ейишга мажбур қилгани тарихий манбаларда «мана, мен» деб турибди. Бу ҳақда таъто махсус қарор қилганини кесалар яхши эслашади. Уша даврнинг биргина ҳужжати билан танишайлик.

СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1943 йил 12 мартдаги 539-сонли фармойиши асосида қабул

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. Ломакин имзо чекаб бу қарор минг-минглаб одамлар соғлиғига пўтур етказганини кўз олдинга келтирив-а. Мухтаassisларнинг фикрича, ёғи олинган чигит чикиндиси — кунжарадаги захари молда ҳар қандай тирик организмни даволаб бўлмайди дарага йўлиқтиради. Уни инсон угул, моллар ҳам ҳам қилишга қийналади. Кўпроқ еган киши шишиб кетади. Улим

ланинг қарийб 40 минг тонна аҳолига тарқатилиб берилмоқда...

VI
Мўштилари онам — 80 ёшли Шахрибон Мирзо қизи билан бугунги тўқ замона ҳақида яна суҳбатлашиб ўтирибмиз. Дастурхон устида ҳозиргина тадбирдан чиққан, қип-қизил қилиб пиширилган нонлар. Онам уларга боқиб тўймайди. Бирини қўлига олиб, оҳиста синдиради. Атрофта гулшад нон ҳиди таралади. Ҳеч нарсага тенглаштириб-қислаб бўлмайди ажиб бир ис!
— Ол, болам, узимнинг томорқадан чиққан бугдой нони. Жуда мазади. Илоҳо, келуси бугдой пишиғига ҳам ҳаммини соғ-саломат етказсин. Юртимиз тинч, фаровон бўлсин...

Мен онаминг тиди учинда турган гапларни сезгандай бўлман. Нонимизда Боран, она-турок тафти бор. У гуруримиз ва кучимиз. У ризқ-рўзимиз, қўнчимиз, шодлигимиз. Тайёр ҳолда дастурхонимизга келгунча қанча меҳнат сарфлашини ўйласак, унинг қадри кўз олдимизда янада улворилган касб этади. Нонни ҳўрмат қилган кишигина деҳқон меҳнатини ҳўрмат қила олади.

Нон — таомлар шоҳи, ризқ-рўзимиз сўлтони. Бизлар уни она сўтига тенглаштирамиз. Инсон боласи учун дунёда мана шу икки нўбятдан қимматлироқ нарса борми? Вақти келиб она боласини сўтдан айиради, сўнгра у умрини охиригача нон тановул қилади. Демак, нон — она сўтининг давомчиси. Нонга ҳўрмат — онага, элга ҳўрматдир. Уни қадрлаган, кўзига тўтиб этган одам кам бўлмайди. Қолаверса, дон ва нон — халқ мулки. Шундай экан, ноннинг табаруқлигини ҳар лаққа ҳис этиб ишлаш қил. Бир вақтлар мол еминини одамлар еганини унутмайлик.

Дарвоқе, сезаяписимиз, атрофта нон ҳиди таралапти!

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

НОН ҲИДИ

Шунда иккинчиси қисқача жавоб қиларкан:
— Тош ош эмас-ку, тўплаб нима қиламан, қўшнижон...
Тўсатдан қўйинчилик кунлар бошланибди. Ушанда арпа-бугдойни эъзозлаган қўшни ҳеч қийнамай кун ўтказаверибди. Олтин ва қумушга ҳирс қўйган одам эса, оиласи билан қийналиб қолбди. Шунда у фарзандларига дебди:
— Олтин-қумуш тош экан, арпа-бугдой ош экан.



қилинган қарорларни вилоят, туман архивларидан осонликча топа оласиз. Ушбу фармойиш бўйича Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1943 йил 21-24 апрелдаги «Қандолатпазлик маҳсулотлари ва нон ишлаб чиқаришга чигит кунжарасини ишлашга ҳақиқатда 458-сонли қарорида республика озиқ-овқат саноати ҳамда ноивойлик қорончаларига бошқоқ дон ўрнига 5 фоиз, юмшоқ конфетта 10 фоиз миқдорда янчилган чигит кунжараси қўйиш вазифаси юклатилган.

Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети раисининг ўринбосари П. Кабанов,

кетидан ўлимлар. Мана, сизга «инсонлар» тузимнинг ноинсоний қиёфаси.

Навоий вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Гофур Алиев сўздан:
— Ҳар гектар галлазордан 80-100 центнердан ҳосил олишга эришган қизилтепалик Б. Назруллоев, хатирчилик Ш. Иброҳимов, навбасорлик Ш. Қаҳҳоров, навоийлик С. Шукроров, Ш. Норов сингари ўнлаб-юзлаб пудратчилар, фермерлар бу соҳада ҳали катта имкониятлар борлигини амалда исботлашди. Улар шартномавий режадагидан 2-3 баравар кўп бугдой ҳосили етиштирдилар. Вилоят бўйича жами тайёрланган 125 минг тонна гал-

Жаҳон физиклари — Самарқандда

ларни кўлга киритган самарқандлик атоқли олим Мусо Мўминов таваллудининг 100 йиллигига ҳамда республикамизда ядро тадқиқотларини ташкилчиларидан бири бўлган профессор Улуғ Фуломов таваллудининг 70 йиллигига бағишланди.

Анжуман ишида мамлакатимиз олимлари билан бир қаторда АКШ, Германия, Франция, Словакия, Чехия, Миер, Туркия, Хиндистон, Покистон ҳамда МДХ давлатлари — Россия, Украина, Беларусь, Қозғоғистон, Қирғизистон, Грузиядан кўпгина ийрик олимлар иштирок этмоқда. Самарқандга

МАГАТЭ халқаро ташкилоти ва бошқа бир неча халқаро илмий марказларнинг вакиллари ҳам ташир бўюрган.

Анжуманда унинг иштирокчилари фундаментал ва ядро физикаси соҳаларида кўлга киритилган энг сўнгги натижалар билан таништирилади, ядро физикаси фани ва техникасининг амалий муаммолари, халқ хўжалиги ва атроф-муҳит муаммоларини ҳал этишда ядро-физикавий усулларнинг қўлланилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилади.

Мазкур илмий анжуманининг бундан олдин ўтказилганларидан кескин

фарқи ҳам бор. Маълумки, 2001 йилнинг 11 сентябрь воқеалари, ундан олдин ва кейин содир этилган халқаро террорчилик ҳаракатлари инсониятни глобал ҳавфсизлик, жумладан, ядро ҳавфсизлигини тўғрисидаги тасаввурларини ўзгартириб юборди. Жаҳонда юз берган бундай вазит олимларнинг талқинот мавзуларида ҳам ўз аксини топмоқда. Жумладан, ўзбекистонлик олимлар ядро ҳавфсизлигини таъминлаш тизимини ишлаб чиқиш, атом реактори ва бошқа ядровий ядровий қурилмаларнинг физик ҳимоясини кучайтириш, боғхона ва чегара

хуудларидан радиоактив ва ядровий ҳомашларнинг ноқонуний олиб ўтилишини назорат қилишда қўлланиладиган асбоб-ускуналарни яратиш устида иш олиб бормоқдалар. Шунингдек, Марказий Осиё давлатларидаги чегара-дарёларнинг сув ва ҳаво ҳавзаларида радиациявий мониторинг ўтказилапти. Бу борада АКШ Энергетика вазирлиги билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишларнинг натижалари ҳам ушбу анжуманда муҳокама қилинади.

Уч кун мобайнида Факультет олиб борадиган Самарқанд халқаро илмий анжумани УзР ФА Ядро физикаси институти, Дубнодаги Ядро тадқиқотлари институти (Россия) ва Самарқанд давлат университети ҳамкорлигида уюштирилмоқда.

М.САФАРОВ.

Сўнгги йилларда қурилиш ва унинг сифатига эътибор анча кўчади. Чиройли бинолар, уйлар кўпайганидан-кўпайди. Бундан кишининг баҳри-дили очилди, кўзи кўнади, аяббатта.

Қурилишларнинг сон ва сифат жиҳатидан ўзгаришига қўнуччилик базаси ва зарур меъёрий ҳужжатларнинг яратилгани ҳам қатта туртки бўлди. Хусусан, бир қатор пудратчи ташкилотлар давлат тасарруфидан чиқарилиди. Уларга иқтисодий эркинлик берилди. Натияжада аксарият қурилиш ташкилотлари ўзини ўнглаб олди, иқтисодиётини тиклади. Ҳалолликда ҳосил қилинган юзага чиқди. Бирок шундай шарт-шароитда ҳам айрим қурилиш раҳбарлари нафасларини тий олмади, турли хил фирморлик, қинғирлик, суўсташлик, қўнубузарликка қўл ураётганликлари афсусланди.

ҚУРИЛИШДАГИ ЎМАРИШ

лари ҳисобидан иншоотлар қуришга доир пудрат ишларини баҳаришда қўнубузарликлар кўп. Смета нархларини, қурилиш-монтаж ишлари сарф-ҳаражатиини сўнгий тарзда ошириш ва шартнома мажбуриятларини бузиш каби ҳолатлар шулар жумласидандир. Масалан, Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги Туризм йўналишидаги касб-хўнар коллежини қайта таъмирлаш ишлари бўйича 2000 йилда ўтказилган тендер савдосида 438,7 миллион сўмлик таъмир ишлари билан «Тошсаноатқурилиш» акциядорлик жамияти 365,6 миллион сўмга голиб деб топилган. Бироқ Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни талабларига зид ҳолда, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари томонидан тасдиқланган бир нечта баённомаларга асосан, қурилишни тугатилган муддатлари узайтирилган. Иншоотга «Толб-таянч», «Крови» хусусий корхоналари ҳамда тадбиркорлар учинчи шахс — воситачилардан фақатгина бинокорлик материаллари сотиб олишининг ўзига 427,8 миллион сўм сарфланган. Оқибатда материаллар қиймати асосан равишда оширилиб, шартнома нархидан 1,2 миллиард сўм ортиқча маблағ ишлатилган!

Шу ўринда уйлаб қурайлик. Ортиқча сарфланган маблағ масъул мансабдорлар чўнтагидан кетса нима бўларди? Табиийки, улар

ҳеч маҳал бундай ҳотамтойликка эрк бермасди. Лекин учинчи шахс иштирокчини пеш қилган жаноблар давлатнинг қандай ҳам ўзимизники эканлигини унуттишди.

Савол туғилади: қурилишдаги учинчи шахслар ким? Улар тай-каби ҳолатлар шулар жумласидандир. Моллини Раҳматга ўтказиб бергани учун ҳар икки томондан ҳам манфаат қўралган, ҳам уларни манфаатли эътиборини улаббуронлар. Қурилишдаги айрим нопоқлар бунинг ҳеч қани билмайди, десалар,

Ислохот йўлидаги говлар

Халқимизда «Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйроқ на қилар», деган мақол бор. Шу маънода, қурилиш раҳбарлари ҳам ўртага бир неча воситачиларни бериб қўйган эмаслар. Бу ерда шахсий манфаатлар устуи келгани аниқ. Агар шундай бўлмаганида, Сурхондарё вилояти капитал қурилиш бошқармасининг собиқ бошлиғи С.Холимуқовлов ва бошқа масъул мансабдор шахслар ўтган икки йилда ускуналар ва бинокорлик материалларини тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчилардан олмади, учинчи шахслардан ёрдам кўтирарди? Улар Тошкент шаҳридаги «Солна» МЧЖдан ўзимизнинг алюмин витраж, қорайтирилган ойна, хусусий тадбиркорлардан қандал, швеллер, чет элдан келтирилган армостронг осма шифтини қиммат нархларда со-

тиб олишни афзал қўришади. Оқибатда давлатга 100 миллион сўмлик моддий зарар етказишарди.

Маълумки, кредит бўйича қарзини қайтариш бугунги кунда энг жидаий масала. Чунки корхона, ташкилотлар фаолияти ҳар томонлама маблағга боғлиқ. Лекин Сурхондарё вилоятининг академик лицейлари қурилиш дирекцияси раҳбарлиги бу борада номақбул йўл тутди. Термиз шаҳридаги академик лицей қурилиш чоғида пудратчиларга кредит тўғрисида қарзларни тўлаш учун

Ўрта махсус, касб-хўнар таълим марказидан ажратилган 69 миллион сўмни гараз мақсадларга йўналтирди. Хусусий тадбиркорлардан қиммат нархларда электрод, цемент сотиб олиб, давлат бюджетига 2,8 миллион сўм зарар етказди.

Маълумки, таълим соҳасидаги ислохот тўғрисида академик лицейлар, касб-хўнар коллежларига эътибор қўйилди. Бундай ўқув масканларини қуриш, таъмирлаш режа асосида олиб боришмоқда. Аммо баъзи жойларда асосан равишда режадан чиқиб кетилмоқда. Хусусан, Қашқадарё вилоятидаги академик лицейлар ва касб-хўнар коллежи қурилиш дирекцияси тасарруфидан тўя гушти еган биноларни қуриб, ташвишга тушади қиши. Шаҳан қурилиш директорининг пала-партишликка йўл қўйиб, назоратни бўшаши-

тириб юборгани оқибатида Қарши шаҳридаги академик лицейни фойдаланишга топшириш қарини икки ярим йилга кечиктирилади. Оқибатда қурилиш-монтаж ишларига 470,5 миллион сўм ўрнига 2,3 миллиард сўм бюджет маблағи сарфланади. Бу ҳам етмагандай, бажарилмаган ишлар қўрқунга қўшиб ёзилади. Миллионал сўмлик бинокорлик материаллари қиммат нархда, атайиб учинчи шахсадан сотиб олинади.

Умуман, бинокорлик материалларининг айнан шу усулда олинишни натижасида Тошкент вилоятида 45,7 миллион, Самарқандда 37,4 миллион, Бухорода 31,8 миллион, Хоразм вилоятида 3,6 миллион сўмлик бюджет маблағлари ортиқча сарфланганини айтишининг ўзи даҳшат. Бу рақамларни ҳисоб-китоб қилсак, қанча бўлади?

Ҳамма нарсанинг ўз ҳисоб-китоби бор. Ҳатто дарёдан келтирилётган қум-шағал ҳам ўлчовли. Лекин айримлар бунинг тушуниб етса-да, ўзини билмасликка олади. Нафс йўлида тавалқалчилик қилади. Сайхонбод туманидаги Сайхун касб-хўнар коллежининг қурилишида иштирок этган ёрдамчи пудратчи ташкилотлар раҳбарлари кирдиқорларни бунга яққол мисол бўлади. 24-қурилиш-монтаж бошқармаси ҳамда 371-қурилиш ташкилотли раҳбарлари Х.Овлов, А.Уматовлар беш бармоқини оғизга тикидилар. Оқибатда 44,5 миллион сўмлик маблағни талон-торож қилишди.

Бухоро вилоятидаги «Қоряқин» туманлароо каналлар бошқармасидаги айрим мансабдор шахсларнинг қилиги ундан ҳам ошиб тушади. Улар учун ўз бошқармалари биносини таъмирлашда ажратилган 5,8 миллион сўмни гум қилиб юбориш ҳеч гап эмас экан. Қандай қилиб дейсизми? Олдинги. Аввалига ажратилган маблағни қурилиш материаллари олиш баҳосида хусусий тадбиркорлар ҳисоб рақамига ўтказишди. Сўнг нақд пул қилиб олиб, чўнтакка урадилар. Шу билан ўрага сиқоч тушди, тулдир-турда.

Қурилишдаги умариларга фақат раҳбарлар эмас, омон мудирилари ҳам бўш келмаганини эшитиб, ёқа улайсиз. Бу нималдан далолат беради? Айримлар «Узим чиққан тепа омон бўлсин», қабилида иш тутишгани, на бировдан, на қонундан қўчмай қўйгани оқибати эмасми бу? Йўқса, Фаргона вилояти капитал қурилиш бош бошқармаси омон мудири Д.Рўзमतов ҳе йўқ-бейўқ, ўз моддий жавобгарлигидан 32,7 миллион сўмлик қурилиш материалларини ўзлаштирардики!

Ҳа, минг афсуски, шундай. Қурилишларда бурилиш эмас, умарини ҳолатлари содир этилмоқда. Қилғиликни қилиб қўйганлар қўлга тушгандан кейингина пушаймон бўлишмоқда. Аслида эса давлатнинг, ўзганинг мулкига кўз олайтириш, талон-торож қилиш қонун томонидан тақиқланганини, қилмиш содир этганига жазо муқаррарлигини ошдироқ ўйлаб қўриш лозим эмасми?!

Баҳодир ЗОҲИДОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси умумий назорат бошқармаси бошлиғи, адлия катта маслоҳатчиси.

Қурбон ЭШМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Зангори олов келармикан?»

Буммас (қан) қишлоғи Қашқадарё вилояти Косон тумани Темир хўжа ширкат хўжалигига қарайди. Қишлоқимизда 5та маҳалла — Ҳўта, Беклар, Айрончи, Чақа ва Пўстиндўз мавжуд. 2000 йилда қишлоққа газ келди. Бу тағнага матбуот орқали, ҳаттоки, телевидениеда ҳам эълон қилинди. Аммо бу хўрасандчилигимиз узоққа чўзилмади. Сабоби, ўтказилган газ қувурилари ўз вазибасини ўтамасидан чириб бошлади. Газ йўқлиги тўғрисида, айниқса, қишлоқ аҳоли янада оғриқлашди. Шу боюнча аксарият қишлоқ аҳолиси электр токидан фойдаланишга мажбур бўлди. Лекин электр токи қунади деган бўлмайди.

Қишлоқ, маҳалла фаоллари бир неча бор юсури ташкилотларга ҳам мурожаат қилишди, аммо натижа бўки, Ваҳоданки, Муборак газ қони туманимиздан унча узоқ эмас. Элга тўй берман деб орзу ҳавас қилган кишиларнинг тўйи эди бошланганда электр тоқининг ўчиб қолиши тўй эгасининг қайфиятига қанчалик таъсир этганини тасаввур қилиб қўриш.

Хўдале, хўжалигимизда бу каби муаммолар таълиғина. Қишлоғимиз хонадонларига чинакамгина «зангори олов» келармикан... деган илжиқдамиз.

Чилонзордан... Чилонзорга!

Бизнинг «Чилонзор», «Етти террак», «Новая» маҳаллаларимизда таълиғина корхона, таъкилот, мактаб ва бошқа муассасалар жойлашган. Худудда ўн миңдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Албатта, улар шаҳар транспортини фойдаланишга талғиб қилиб бошланган, 7-ўринда 12-тралейбус қатнаб, 181-автобус йўналишини ўзгартирилди. Аҳоли шаҳар билан боғланишда маҳдум бўлди. Қўнчилик бу ҳолни вақтинчалик деб ўйлаганлар. Бироқ... Ҳозир йўналишда 181-автобус қатнади. Ҳўдаювчилар «Биз шаҳар ташқирисдан келамиз», деб ойлик чиптас борларни автобусга чиқаришмайди. «Фақат нақд пул берсаларинг маъназга борасизлар», деб тўриб олишади.

Вақтинча йўналишни ўзгартирилган 12-тралейбус эса Дўзбўрибоддан Чилонзор, Қомила Ёрматов кўчаси бўлаб юрди ва шаҳар билан боғланиш ўрнига Оқтепа орқали яна Чилонзорга қараб кетди.

Тўғриси у Чилонзордан... Чилонзорга қатнагани. Маҳалла аҳоли заводи-корхона, муассасалар ишчи-хўжалиқчилари аҳоли ўзгарармикан, деган умидда юришмоқда.

Турди НОДИРОВ.

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Озарбойжон: ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДЛАР АНИҚЛАНДИ

Озарбойжонда ҳукумат раҳбири Яхйалар Алиевнинг ўғли, Давлат нефть корпорациясининг вице-президенти Илхом Алиевнинг номзоди киритилган эди. Миллий Мажлисининг сайловда қатнашган 102 нафар депутатдан 101 нафари И. Алиевнинг номзодини қўллаб-қувватлаб овоз берди.

Тaqқидлаш жоизки, 2002 йили мамлакат конституциясига киритилган ўзгаришларга биноан президент оғир ҳасталиги туғайли ўзи вази-фатни бажара олмас эки вафот этса, ҳукумат раҳбарлиги туғридан туғри Бош вазирга берилади...

мамлакат президенти бўлган. Хиндустонга Жаҳоҳарлаб Нерудан сўнг, унинг қизи Индира Ганди раҳбарлик қилган. Мамлакатда президент сайловлари шу йилнинг 15 октябрга тайинланган.

Нима бўлганда, жондор ҳамжамияти Озарбойжондаги вазият чигаллашиб кетмаслиги тарафдори, муҳолифатни ҳам вазмнроқ бўлишига чакирмоқда. Чунки уларнинг президенти вафот этганлиги туғрисидаги тасдиқланмаган хабарлари

мамлакатда беқарорлик келтириб чиқариши мумкин. Жаҳон оммавий ахборот воситалари ҳам президент вафот этгани туғрисидаги хабар асосини эканини тасдиқлади. Озарбойжон президенти матбуот хизматидан тарқатилган хабарларга кўра, айна пайтда Хайдар Алиев АҚШнинг Кливленд шаҳридаги клиникалардан бирида даволанмоқда.

Қозғистонда Вабо касаллиги қайд этилди



Қозғистонда вабо касаллиги қайд этилди. Манғистов вилоятининг 22 ёшли киши вабо ташхиси билан касалхонага ётқизилди. Шифокорларнинг айтишича, айна пайтда беморнинг аҳоли қониқарили.

Молия муассасаларида Мамлакатимизда галла ўрими-йигими ниҳоясига етмоқда. Далаларда мўл ҳосил етиштирилганлиги боис барча вилоятлар бирин-кетин шартнома режасини бажармоқдалар.

Манфаатдорлик муваффақиятни таъминлайди

Бу йил Жиззах вилояти ҳам бошоқди дон экинларидан мўл ҳосил кўтарилиди. Фаллакорлар қайта ишлаш корхоналари га 268 минг 900 тоннадан ортиқ дон топириб, шартнома режасини бажардилар.

Хавфсизлик чоралари кучайтирилади

Лондон полицияси террорчилик хуружлари хавфи туғайли кучайтирилган хизмат ҳолатига ўтказилди. Чунки, ҳукумат «Ал-Қоида» экстремистик ташкилотлари амалга ошириши мумкинлиги ҳақида маълумот олган.

Дунай соҳилидаги давлат

Болгария Болқон ярим оролининг шарқда жойлашган. Шимолда Дунай бўйлаб Руминия, жанубда Греция ва Туркия, ғарбда Сербия ва Черногорья ҳамда Македония билан чегарадош.

Х асрга келиб болгарлар этник асоси билан славянларга яқин бўлиб қолган эди. Уша пайтларда «болгар» атамасининг сақланиб қолишига булгар золагонлари сабаб бўлган.

ич кучга кирмоқда. Мамлакатдаги плоралистик таъмоили конституция билан белгиланган.

Мамлакатнинг ҳайвонот дунёси ўрмонларнинг қисқартирилиши натижасида катта талафотларга дучор бўлди. Шунга қарамастан, ўрмонларда ҳали ҳам айлан, тўғиз, буғу, бўри, тулки, бурсиқ каби жониворларни учратиш мумкин.



Чарльз Тейлорга бошпана берилди

Либериянинг президенти Чарльз Тейлор расман исёфига чиқди. Чарльз Тейлор Африканинг бир неча етакчилари гувоҳлигида ўз ваколатларини вице-президент Мозес Блаха топириб, Нигерия ҳукумати томонидан юборилган самолётда Монория аэропортида учиб кетди.

Тейлорнинг исёфига чиқиши АҚШ ва Ғарбий Африка иқтисодий ҳамдўстлик мамлакатлари (ЭКОВАС) талаб қилишган эди. Исёнқари Тейлор мамлакатни тарқ этган дақиқадан бошлаб ҳарбий ҳаракатларини тўхтатишди.

Болгариянинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши туғқиз вилоятдан иборат. Ер майдони бир юз ўн минг квадрат километр ташкил этади. Мамакатда 9 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилади.


ритилиши славянлар билан миллий бирламликнинг кучайишига олиб келган. Дастлабки болгар жамияти Византия ва турк маданиятлари тасиринда ривожланган.

300га яқин халқаро ташкилот ва муассасалар фаолиятида иштирок этиб келмоқда. 1990 йилнинг асосидан бошлаб НАТОнинг «Тинчлик йилида ҳамкорлик» дастурида қатнашди.

Болгарияда давлат раҳбари президент ҳисобланади. Лекин унинг ваколати чекланган. Фаққатгина вазиятлар рўй бергандагина президент навбатдан ташқари парламент сайловларини ўтказиш ваколатидан фойдаланиши мумкин.

Қўмир қонида портлаш

Хитой шимолидаги қўмир қонида газ портлаши оқибатида 33 кичи халок бўлди. Шанси музофотида юз берган фалокат оқибатлари ҳозирча аниқланмаган.



юборилмаганлиги сабабли юз берди. Хитойдаги қўмига хусусий конларда хавфсизлик чораларига етарлиқа эътибор берилмаганлиги сабабли, рўй бериш фалокатларини қўймоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ИХТИСОСЛАШГАН ОЛИЙ БИЗНЕС МАКТАБИ

Advertisement for the Higher Business School of the Tashkent State University of Economics. It lists various business courses like 'Business Management', 'Accounting', 'Banking', 'Marketing', etc., and provides contact information for admissions.

Advertisement for 'Toshkent Sarmoya' investment company. It offers services for business registration, office leasing, and other business-related activities. It includes a map of the office location and contact details.

Янги шифо масканлари

Сурхондарё вилоятида бу йил 11 та қишлоқ врачлик пунктини қуриб ишта тушириш режалаштирилган. Ҳозирги кунга қадар Шўрчи туманидаги Т. Бердиев номли ширкат хўжалигида қишлоқ врачлик пункти қайта тикланди.



Қариялар эъзозда

Чуст туманининг машҳур Қамарсада истироҳат боғида "Елғиз, нафақахўр ва ногиронлар дам олиш ва мулоқотда бўлиш" маркази ташкил этилган. Туман ҳокимлиги, туман ижтимоий таъминот бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу марказ иштиёрига боғдаги энг кўркам бинолардан бири ажратилди ва шинам қилиб жиҳозланди. Бугунги кунга келиб марказ қарияларнинг энг сеvimли масканига айланди. Улар бу ерда тенг-тушлари билан суҳбатлар қўришади, вақти-вақти билан туман бадий ҳаваскорлик дастаси чиқишларини мириқиб томоша қилишади.

— Марказимизда дам олаётган қарияларимизнинг овқатланишидан тортиб, даволанишлариغا бевул ташкиллаштирилган, — дейди туман ижтимоий таъминот бўлими муdiri Нўмонжон Зокиров. — Марказ раҳбари Мавжудохон Ҳабибуллаева, унинг ёрдамчиси Муроджон Ғаниев, қўли енгил шифокор Саодатхон Каримовлар доимо қариялар хизматида.

СУРАТДА: Нўмонжон Зокиров ва шифокор Саодат Каримова онахонлар даврасида. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

«Пахтакор» бош мураббийсиз ўйнайдими?

Шарҳловчи ва мутахассислар чемпионатнинг ҳар бир тур учрашувига қайд этилган натижаларни олдиндан қутилган ёки қутилмаганлиги ҳамда дуранглар сонига қараб, уларни «тинч» ва «муросасиз» бўлди, дея сифат беришади.

Футбол


Агар 17 тур ўйинлари шу нуқтаи назардан баҳо берадиган бўлсак, гарчи бир ўйинда («Кизилқум» — «Машғал» 1:1) қутилмаган дуранг натижа қайд этилган бўлса-да, ҳеч қандай шов-шувларсиз «тинч» ўтди, дейиш мумкин. Нега? Чунки ушбу тур олдиндан кўпчилик «Пахтакор»у «Насаф», «Нефтчи»ю «Навбахор»ни доимий анъаналарига содиқ қолиб, ўз рақибларига мағлубият «қўчас»ини кўрсатиб қўйишди, дея эътироф этишганди. Ишқибозлар ҳар жиҳатдан ҳақ бўлиб чиқди. Утказилган саккиз учрашувнинг етти баҳсида «оч-кохўр» жамоалар ўзига билдирилган ишончини аъло даражада оқлади.

Тўғри, биз бу билан чемпионлик мартабаси учун курашаётган клублар мағлубиятга учраса, беллашувлар янада қизиқарлироқ тус оларди, демоқчи эмасмиз. Аммо, ўзларини бек санаб, мана биз ҳам олий лигада жавлон ураётимиз, деган жамоалар ҳам чинакам галаба қозонишлари шартга ўхшайди. Йўқса, ушбу турда қайд этилганидек, 6:0, 6:1, 4:0, 5:2 ҳисоблари ҳар бир ўйинда такрорланавериши, бу эса алақоқибат муҳлисларнинг зерикиб қолишига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Хўш, клубларимиз ўртасидаги ўзаро ўйинлардаги ҳисоб худди хоккейда бўлгани каби «семириб» кетмаслиги учун нима қилмоқ керак? Аввало, ҳар бир жамоа ўйинчиси майдонда «қора меҳнатни» ўз елкасига олмоғи лозим. Ана шунда майдонда қайси жамоа

ўйнашидан қатъий назар баҳслар шиддатли ва муросасиз ўтиши турган гап. Қолаверса, ўтган йилдаги биринчиликлар «чайнаб берсанг — ютаман» қабилида иш тутиш билан узоққа бориб бўлмастлигини аниқ-тиниқ кўрсатиб қўйди.

Энди чемпионатнинг 17 тур баҳслари тафсилоти хусусида тўхталадиган бўлсак, унда дарвозаларга киритилган тўплар чўғи анча «баракали» бўлганлигини кўрамиз. Энг йирик ҳисоб «Пахтакор» ва «Цементчи» учрашувда (6:1) қайд этилди. Ҳабарингиз бор, олдинги турда пойтахтликлар «Дустлик» устидан худди шу ҳисобда устун келишган эди. Қўриб турганнингиздек, сўнгги турда ҳам улар айна «сценарий» асосида



бир муддат олдин ўз ватанига кетган ҳали Тошкентга қайтгани йўқ. Шу сабаб, бундан ҳавотирга тушган муҳлислар «Агамуродов» «Пахтакор»га қайтармикин? деган савол билан таҳририятимизга мурожаат қилишмоқда. Биз айна саволга жавоб топиш мақсадида УФФ бўлим бошлиғи А. Никимбоев билан суҳбатда бўлганимизда, у ҳавотирга ҳожат йўқлиги, тажрибали мураббий яқин кунларда ўз жамоасига қайтишини айтди.

Ҳа, нима бўлганда ҳам А. Никимбоевнинг айтганлари рост бўлсин. Акс ҳолда бу «Пахтакор»чилар учун бир қатор қийинчиликларни туғдириши табиий. Олдинда эса бир-бирдан гўзал чемпионат баҳсларидан ташқари яна икки кундан сўнг бўлажак Ўзбекистон кубогининг финал учрашуви турибди. Албатта, бу каби нуфузли беллашувларда бош мураббий ниҳоқи остида майдонга тушиш нафақат «Пахтакор», балки ҳар бир жамоага ўзгача завқ-шафқ бағишлаши турган гап.

Фурқат САНАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

17 турдан сўнгги вазият

№	Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.	«Пахтакор»	17	15	2	0	57-14	47
2.	«Нефтчи»	17	15	0	2	48-14	45
3.	«Кизилқум»	17	11	3	3	33-15	36
4.	«Насаф»	17	10	2	5	35-22	32
5.	«Навбахор»	17	8	5	4	30-17	29
6.	«Машғал»	17	7	3	7	25-19	24
7.	«Дустлик»	17	7	3	7	25-28	24
8.	«Сурхон»	17	7	3	7	20-31	24
9.	«Бухоро»	17	6	2	9	28-29	20
10.	«Самарқанд-Д»	17	6	1	10	21-29	19
11.	«Андижон»	17	4	5	8	17-21	17
12.	«Цементчи»	17	4	4	9	21-36	16
13.	«Металлург»	17	4	3	10	19-35	15
14.	«Гулистон»	17	4	2	11	13-35	14
15.	«Трактор»	17	3	4	10	20-43	13
16.	«Кўкон-1912»	17	4	0	13	19-43	12

Теннис

Олимпия тизими бўйича ўтказилаётган Ўзбекистон биринчилиги теннис мусобақалари тобора оммавийлашиб бораёпти. Фикримишни Фарғонадаги «Истиқлол» теннис корти икки кун мобайнида ишқибозлар билан гавжум бўлганлиги ҳам исботлаб турибди. Мезбонлар бу муҳташам спорт саройида самарқандлик теннисчиларни қабул қилишди.

Нуфузли мусобақанинг финал босқичига йўланма берадиган мусобақа қизгин курашларга бой бўлганлигини умумий ҳисоб 3:2

Фарғоналиклар финалда

натижа билан фарғоналиклар фойдасига ҳал бўлганлиги ҳам кўрсатиб турибди. Воқийликлар гадабасига умидли ракетка усталари Сергей Ким, Константин Шойлар муносиб ҳисса қўйишди.

Энди фарғоналиклар финал учрашувига пойтахтлик теннисчилар билан рўбару келишади.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

12 йил

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан

"Халқ сўзи" ва "Народное слово"

газеталари таҳририятлари корхона, ташкилот, компания, қўшма корхоналардан байрам табрикларини чоп этиш учун тақлифларни қабул қилади.

Бу юртмалар шу йилнинг 25 августига қабул қилинади.

136-09-25, 132-10-63.

UZDUNROBITA first cellular

УЯЛИ АЛОҚАНИНГ ОПТИ ҚИРРАСИ

ТЕЛЕГРАФ

- SMS - қисқа ахборотлар хизмати
- Халқаро SMS

ТЕЛЕФОН

- Маҳаллий алоқа
- Халқаро алоқа
- Халқаро роуминг
- Барча қўшимча овозли телефонлар хизматлари

ИНТЕРНЕТ

- WAP
- Маълумотлар бериш

ПОЧТА

- Овоз почтаси
- Электрон почта
- Факсимил почта

АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ

- Кечаю-кундуз маълумотлар хизмати
- "Plus" хизмати:
- Ўзбекистон бўйича об-хаво
- Юлдузлар башорати
- Валюта курси
- Абонент ҳисобварағидаги баланс
- Ҳисобварақдаги қолдик
- Охири тўлов
- Бошқа хизматлар ...

ПЕЙДЖЕР

- Мобил пейджер - ахборотларни юбориш ва қабул қилиш

ТОШКЕНТДАГИ СЕРВИС МАРКАЗИ МАНЗИЛИ: УСМОН ЮСУПОВ Кўчаси, 16-й (ЛАВЗАК) 1300909, 13 10909, 1030909 "UZDUNROBITA" КҚ ТЕЛЕФОНЛАРИДАН: 611 WWW.UZDUNROBITA.UZ

КОМПАНИЯНИНГ ВИЛОЯТЛАРДАГИ БЎЛИМЛАРИ:

АНДИЖОН: 80909; БУХОРО: 70909; ЖИЗЗАК: 79909; НИКОПОЛ: 10909; ҚАРШИ: 20909; НАВОЙИ: 28909; НАМАНГАН: 18909; САМАРҚАНД: 80909; ТЕРИҚ: 29909; ҒИЛЯТОН: 40909; ФАРҒОНА: 10909; ЎРГАНЧИ: 10909; ҚАМАЛИҚ: 80909; БЕСКОБД: 23466; ЧИРЧИК: 89909; ЯНГИЙУЛ: 40909; ШАҲРИСТАН: 8 1900

O'ZSANOATQURILISHBANK

Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

КИТОБХОН ОИЛА

Куни кеча Тошкент давлат консерваториясида «Йилнинг энг яхши китобхон оиласи» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Республика Маданият ишлари вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган ушбу танловда Пайариқ туманидан Раҳмоновлар оиласи ғолиб деб топилиб, ташкилотчиларнинг қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

— Республикаимиз вилоятларидан келган ўн тўрт даъвогар билан беллашиб, ғолиб чиқишнинг ўзи бўлмади, — дейди Соҳиба Раҳмонова. — Баллий-илмий асарларни кўп ўқишимизга тўғри келди. Бу ишда онламинизга кутубхона мутасаддилари Шаҳлоат Аҳмедова, Хайрулла Давлатовлар яқиндан ёрдам бердилар.

«Энг яхши китобхон оила» Пайариқда оламолам қувонч, энг асосийси, энг сара китоблар билан қайтди.

М. ТОҶИЕВА.

KENWOOD

Беспроводные средства связи

СП «ТЕЛКО», тел. 137-06-86, факс 137-06-88, www.telko.uz, E-mail: telko@telko.uz.

Ташкилот авто ва қишлоқ хўжалик шиналарининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланади.

- ✓ Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган.
- ✓ Ҳар хил русумли шиналар.
- ✓ Энг арзон нархда Тошкентдаги омборхонадан.

Махсулот Тошкент шаҳрида.

Ташкилотларни вилоят дистрибуторлигига таклиф қиламиз.

Телефонлар: (998 712) 79-28-75, 79-28-73. E-mail: urald@rol.ru

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодия-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси Ўзбекистон халқ артисти, профессор **Анатоллий Зухрович ҚОБУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Экосан» халқаро жағмармаси Фарғона вилояти бўлими бош директори М. Исломовга оғаси **Ойнахон НУЛДОШЕВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Республика Инқасасия бирлашмаси жамоаси бирлашманинг Тошкент шаҳри бўйича пул тушумини инқасасия қилиш бўлими бошлиғи ўринбосари Жўравий Мирзараҳимовга оғаси **Нисон ая МИРЗАРАҲИМОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекнефтгаз» Миллий ҳолдинг компанияси жамоаси «Ўзбурнефтгаз» акциядорлик компаниясининг Уст-Юрт қириғу бургулаш экспедицияси бошлиғи Хамро Тураневага оғаси **Тева ТУРДИЕВИН**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси бўлим бошлиғи Зафар Олимовга оғаси **Олим ҲАМЗАЕВИН**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети жамоаси 1-чет тиллар кафедраси муdiri профессор Талъат Ҳамдамовага оғаси **ҲОЖИЯХОН АЛИН**нинг вафоти эътиборли муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати:

Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. ДУЮЙ, Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. КУЧЕРЕНКО, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ, Г. ПРОХОРЕНКО, Ш. РИЗАЕВ, А. САИДОВ (масъул котиб — «Народное слово»), М. САФАРОВ, И. УТБОСАРОВ, О. ҚАНПЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. ҲАЙДАРОВ, Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-10-65; 133-78-92

Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65

Маълумот ва маърифат — 136-35-60;

Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар — 133-52-55;

Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;

Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08

Котибият — 133-10-28;

Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Бу юртма Г — 768, 22690 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Оффсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида теринди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Набатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Набатчи муҳаррир — Б. ЭҒАМҚУЛОВ. Набатчи — С. ҲАЙДАРОВ. Мусоҳиҳ — Ш. МАШРАББОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

1 — тижорат материалли.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилади — 21.00. 1 2 3 4 5 6